E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ФЕРУЗ ДАВРИДА КЎЧИРТИРИЛГАН ДЕВОНЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Crossref Doi : https://doi.org/10.37547/iqro-volume04-issue01-08

Музаффаров Н.Ҳ.
Тошкент Давлат Шарқшунослик университети
Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)
Факултети магистратураси 2-курс тингловчиси

Аннотация
XIX аср охири-XX аср бошларидаги Турк дунёси вақтли матбуотида эълон қилинган мақолаларда ҳам Хоразм китоб маданияти, китобат санъати, хаттотлари, давлат арбобларининг китобат аҳлига бўлган муносабатлар ёритиб турилган. Хоразм ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон Феруз, шунингдек, унинг вориси Исфандиёрхон (1910-1918) ҳақидаги маълумотларда унинг араб, форс, туркий тилларини билиши, рус тилидан хабардорлиги, китобсеварлиги, саройида шоирлар, хаттоту котибларни жамълаб, уларга ҳомийлик қилиши каби маълумотлар берилган.
Калит сўзлар
Муҳаммад Раҳимхон Феруз ижоди, девон, Девони Феруз, Хаттотлик, хаттот, Девони Огаҳий.
Abstract
The book culture of Khorezm, book art, calligraphers, statesmen's relations with book readers were also highlighted in the articles published in the Turkish World Time Press of the end of the XIX century and the beginning of the XX century. In the information about the ruler of Khorezm Muhammad Rahim Khan Feruz, as well as his successor Isfandiyor Khan (1910-1918), information is given about his knowledge of Arabic, Persian, Turkish languages, knowledge of Russian language, love of books, collecting poets, calligraphers in his palace and sponsoring them.
Key words
Muhammad Rahimkhan Feruz's work, book, Devoni Feruz, calligraphy, calligrapher, Devoni Ogahi, manuscript.
Аннотация
Книжная культура Хорезма, книжное искусство, каллиграфы, отношения государственных деятелей с читателями освещались и в статьях, опубликованных в тюркской мировой прессе конца XIX века и начала XX века. В сведениях о правителе Хорезма Мухаммад Рахим-хане Ферузе, а также его преемнике Исфандиёр-хане (1910-1918 гг.) приводятся сведения о его знании арабского, персидского, турецкого языков, знании русского языка, любви к книгам, коллекционировании поэтов, каллиграфов в своем дворце и спонсирующих их.
Ключевые слова
Творчество Мухаммада Рахимхана Феруза, книга, Девони Феруз, каллиграфия, каллиграф, Девони Огахи, рукопись.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIX-XX аср бошларида Хоразмда давлат тепасига келган хонларнинг деярлик барчаси салоҳиятли илм-маърифат арбоблари бўлганлар. Бу ўринда узоқ муддат хонликни бошқарган Муҳаммад Раҳимхон I, Аллоҳқулихон ва айниқса, 47 йилдан зиёд тахтда ўтирган **Муҳаммад Рахимхон II Феруз** фаолияти алоҳида диққатга сазовор.

Муҳаммад Раҳимхон II эса ўз даврининг пешқадам шоирларидан саналган бўлиб, Феруз тахаллусида дурдона ғазаллар ижод қилган. Бу даврда Хивада адабий муҳитнинг камол топиши ва юксакликка кўтарилишида икки нозиктаъб адиб — Мунис ва Огаҳийнинг таъсири катта бўлди. Улар Хоразм маданияти оқимида шоирлар ва тарихчилар мактабини вужудга келтирдилар ва бизларига бетакрор мерос қолдирдилар. Бу икки шахс Хоразмнинг машҳур ҳуснихат соҳиблари — хаттотларидан саналар эди. Биз булар ҳақида кейинги фаслларимизда сўз юритамиз.

Муҳаммад Раҳимхони соний Феруз йирик давлат арбоби, улуғ маърифатпарвар сиймо, маданият ва санъат ҳомийси, шоир ва мусиқашунос санъаткор эди. Маълумки, Феруз Хоразм ўлкасининг маданий ривожига равнақ бағишлади. Феруз саройидаги девонда қирқдан ортиқ шоиру ёзувчи, тарихчи, хаттот, созандаю хонанда фаолият кўрсатди. Хоразм ва умуман, Марказий Осиё халқлари тарихини мукаммал акс эттирувчи “Шажараи Хоразмшоҳий” солномаси, Аҳмаджон Табибийнинг “Мажмуат аш-шуаро” тазкираси вужудга келди[1].

Муҳаммад Раҳимхони соний 1874 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта Хивада тошбосма ташкил қилади. Шу давргача барча китоблар моҳир хаттотлар томонидан қўлда кўчирилиб, жуда кам нусхани ташкил этарди. Кўҳна Аркда тошбосманинг ишга туширилиши билан имконият чегаралари кенгайди, мумтоз адабиётимизнинг ўлмас намуналарини кўп нусхада чоп этиш, ўқувчиларга етказиб бериш мумкин бўлди.

Тошбосмада илк бор эронлик Иброҳим Султон деган киши матбаачилик қилган, бу шўъбанинг бошлиғи шоир Табибий бўлган. Чоп этилган китоблар савдога чиқарилмас, фақат олим, фузалоларга, мадрасаларга бериларди. Тошбосма 1908 йилда Тозабоғга кўчирилган. Унга Отажон Абдолов (1856-1939) матбаачилик қиларди. Бу ерда Навоийнинг “Хамса”си, Мунисниг “Девони Мунис”, Огаҳийнинг “Девони Огаҳий”, Ферузнинг “Девони Феруз”, шунингдек, Комил Хоразмий (1825-1899), Муҳаммад Юсуф Рожий (XIX аср биринчи ярми), Аҳмад Табибий, Муҳаммад Расул Мирзо каби иқтидорли шоирларнинг баёз ва девонлари чоп этилганди.[2]

1906 йилдаёқ Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳаёлига Хивада миллий газета чоп эттириш фикри келган. Бу ҳақда “Улфат” газетаси: “ҳатто баъзи асҳоби иқтидорнинг иттифоқи-ла бир матбаа кушод этуб, ерли халқ лисониға газета нашр этмак фикри дахи малхуз эмиш” деб хабар берганди.

Муҳаммад Юсуф Баёний Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг китобга қанчалик қизиқишини ҳамда бунинг бутун халққа бўлган таъсири ҳақида шундай ёзади: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб

[1] ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9578.
[2] Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи... – Б. 53.

китобхонлиқ этдурур эрдилар. Андоғким, Юсуф ҳожи охунд ва Исмоил хўжа охунд ва Худойберган охунд ва олими улуми маъқул ва манқулда Мулло Муҳаммад Расул ва фақири ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлуб, китобхонлиқ этар эрдуқ. Гоҳо домла Муҳаммад Расул била иккимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлиқ бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, “Анносу ало дини мулукиҳим” нинг муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар. Андоғким, Навойи алайҳир раҳма дебдурлар, байт:

Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйиға бир маза бор”.

Муҳаммад Раҳимхон китобхонликни давлат даражасидаги сиёсатга айлантирган.

Китобни жуда севадиган Муҳаммад Раҳимхон Феруз “фуқаро ва раоё адл-додидин фориғ бўлсалар, аксар авқотларини китобхонлиғ ва нуктадонликға сарф қилур эрдилар”[3]. Дарвоқе, хоннинг ота-боболаридан тўпланиб келаётган, ўзининг амри билан кўпайтирилаётган жуда бой кутубхонаси бор эди. Хива кутубхоналарида қўлёзма матнни ҳуснихат ва гўзал нақшлар билан безаш мақсадида мусаввирлар ҳамда моҳир хаттотлар узоқ, қунт билан ишлар эдилар. Кутубхонадаги бундай ишлар Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмдорлиги йилларида сезиларли равишда кенгайди. Хоннинг ўзи ҳам илмғфан, шеърият ва хаттотлик машғулотларига кўп вақт ажратар эди. У ўз саройида китобхона қошидаги устахонага катта эътибор билан қараб, тез-тез буюртмалар берар эди. Бу ерда тарихий, эсдалик, диний ва бадиий асарлар кўчириларди. Хиванинг бу даврдаги қатор қўлёзмаларида улар хон буйруғига кўра бажарилганлиги қайд этилган. Феруз даврида китобхонлик хону уламо, сипоҳий-у тўралардан ўрнак бўлиб, кенг халқ оммасига ёйилди. Баёний таъбирича, “тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар”. Жумладан, Баёний шаҳзода Носирхон тўра Султонийнинг девонига ёзган сўзбошисида (дебоча) унинг васфида бундай деган эди: “Ҳафтада икки навбат уламо била суҳбат тузуб, китобхонлиқ этар эрдилар. Ул мажлиси олийда даҳоннинг дуржи лаолий бениҳоятидин бағоят гуҳари шаҳвор нисор этар эрдиларким, ҳама ғоят ҳайратдин лол ва шикаста мақол бўлур эрдилар. Тузуб олимлар ила суҳбати хос. Аларға кам-кам ортар эрди ихлос. Оғиздин бениҳоят кўп гуҳарлар. Сочарлар эрдилар мажлисга яксар”. Дарвоқе, бутун халқни, миллатни маърифатли қилиш, маънавий савиясини кўтариш учун талай китоб ва китобхонлик масканлари ҳам қурилган эди.

Руслар билан Хивага бирга келган журналист Мак-Гахан “Хива шаҳрида 30 қадар масжиди жомеъ ва араб тилида шаръий илмларни ўқитиладиган 22 мадраса бордир. Бу мадрасаларда Истанбулдаги жомеълар каби бепул ўқитилганлиги учун илм талабида мадрасаларда яшаётганлар ҳаддан ташқари кўп эди”, деб ёзади ўз саёҳатномасида. Пойтахт Хива шаҳридан ташқари хонлик ҳудудидаги Марв, Кўҳна Урганч, Тошҳовуз, Ҳазорасп, Хонқа, Питнак, Шоҳобод, Хўжаэли каби ўнлаб шаҳарларда кўплаб мадрасалар мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Масалан, Данилевский Ҳазорасп тўғрисида ёзаркан,

[3] Саъдуллаев А., Сотлиқов А. Хоразм Маъмун Академиясининг тарихий илдизлари. – Урганч, 2003. –Нукус: Қорақалпоғистон нашриёти, 2003. – Б. 328.

шаҳарда тўққизта мактаб, Қутлимурод иноқ даврида 1827 йилда тошдан қурилган бир мадраса бор, дейди. Шунингдек, Манғитда битта, Янги Урганчда иккита мадраса бўлганлигини ёзади. А.Л.Кун эса Хўжаэли билан Шовотда биттадан мадраса кўрганлигини ёзиб қолдирган[4].

1909 йилги маълумотларга таянадиган бўлсак, Хива шаҳрида бу пайтда 1500 мактаб бўлиб уларда 45 минг бола таҳсил олгани аён бўлади. Ҳусни хат эса ана шу мактаб давридаёқ ўргатила бошлаган. Кейинчалик мадрасаларда (XIX аср охири XX аср бошларида Хиванинг ўзида 65 мадраса бўлиб, уларнинг 54 таси шаҳарда, 2 таси эса шаҳар атрофида жойлашган) ўқиётган талабаларга ҳам хаттотлик санъати ўргатилар эди. “Шўро” журналига А.Усмонийнинг Янги Урганчдан ёзиб юборган “Хива мамлакатинда мадрасалар” номли мақоласида “Хиванинг ўзида ўн мингдан ортиқ муллалар бор!” деб қайд этилган эди. Ҳозирги Туркманистон ҳудудида, С.М.Демидовнинг қайд этишича, 1890-1896 йилларда 161 та мадраса, 265 та мулла, 1911 йилга келиб эса муллалар сони тўрт юздан ошиб кетганлигини қайд этади. Яна унинг ёзишича, 1913 йилда Туркманистон ҳудудида олтмишдан зиёд мадраса бўлган экан.

Лекин хонликда ўнлаб кутубхоналар бўлганлиги, юздан ошиқ мактаб ва мадрасаларда мингдан ортиқ талабалар ўқиши натижасида халқ зиёлиларининг китобга бўлган ташналигини, халқнинг китобга нисбатан тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини хаттотлик санъатининг турли мактаблари ва оқимлари бўлса-да, китобларни қўлда кўчириб ёзиш усули билан тўла қондириб бўлмаганлиги учун миллий матбаа ташкил қилинди. Аммо, матбаа ташкил топиши китоб нашр қилиш жараёнида хаттот меҳнатидан ажралмас таркибий қисм сифатида фойдаланишга асосланган бўлиб, қўлёзмачиликнинг кўп минг йиллик анъаналарини тўхтатиб қўймади. Бинобарин, хаттотлик санъати ва китобат иши Феруз ва ундан кейинги даврда «иккинчи умри»ни бошдан кечирди, янги босқичда ривожланди. Хаттотлар фақатгина тошбосма учун ишламасди. Сарой кутубхонаси яна қўлёзмалар билан бойитиш мақсадида китоблар кўчирила бошланди. Бойлар, олиму фузалолар яна қўлёзма китоблар учун буюртмалар берар эдилар[5].

Китобга, китоб ўқишга, эшитишга иштиёқманд Хоразм халқи китобхонлик кечаларини тез-тез ўтказиб турардилар. Хон ўтказган китобхонлик кечалари саройда ёки машҳур мадрасаларнинг бирида (аксар вақт Феруз мадрасасида) ўтказиларди. Бундай кечаларда юртнинг энг машҳур ва обрўли уламо ва шайхлари, таниқли хонанда ва созандалар ҳам иштирок қиларди. Хоразмнинг энг улуғ олимларидан бири Юсуф ҳожи Доий (1831-1909)нинг Арабхон мадрасасида ўтказадиган бедилхонлик кечаси халқ орасида жуда машҳур эди.

Ферузнинг китобга бўлган муҳаббати шу даражада эдики, у мусобақаларда ғолиб бўлган ёки унинг кўнглига хуш ёққан кимсага китоб тақдим этарди. Феруз ҳаётининг охирги йилларида Хива хонлигидаги энг яхши бахшиларни чақириб, туркман-човдур Суяв бахши (XX аср боши) раҳбарлигида айтишув ўтказган эди. Айтишувда ёш Хўжаниёз бахши Суяв бахшининг ҳурматига сазовор бўлади. Айтишув охирида Феруз томонидан

[4] Девони ҳафт шуаро / Ношир Муҳаммад Юсуф Баёний. – Хива, 1324. – Б. 31-32.
[5] Масалан, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7131; 7150.

“Мажмуат аш-шуаро” номли китоб Хўжаниёз бахшига тақдим этилади. Ушбу китоб Хива тошбосмасида чоп этилган. Бу китоб эсдалик сифатида бахшининг авлодларида ҳозиргача сақланади[6].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хоразмда ҳам китобхонлик кечалари маълум шоир ёки олимнинг ижодига ёки маълум китобга бағишланиб, шу ном билан аталарди. Хон ўз саройида тез-тез “Ал-ҳисн ал-ҳасин” (“Мустаҳкам қўрғон”) китобини ўқитиб турган. У Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий (ваф. 833/1429)нинг 1388 йилда ёзган китоби бўлиб, саҳиҳ ҳадислар асосида тузилган дуо ва зикрлар тўпламидир. Уни асрлар давомида мусулмонлар орасида ўқиш одат бўлиб келган. Китобни мутолаа қилиб туриш бало ва офатларни даф қилиш хусусиятига эга, деган эътиқод мавжуд бўлган. Китоб айниқса Темурийлар даврида машҳур бўлган. Хива саройи архив ҳужжатларида ушбу китобни ўқитишга сарфланган маблағлар ҳам қайд этиб борилган. Жумладан, 1867 йилнинг Ражаб ойида ушбу китобни ўқиган муллаларга 20 тилло берилган[7].

Аҳмад Яссавий ҳикматларига бағишланган яссавийхонлик, шунингдек, бедилхонлик, навоийхонлик, ҳофизхонлик кечалари ўтказиш расм эди. Навоийни тушиниш Бедилни тушинишдан кўра мушкилроқ, мураккаброқ дейилади Хоразмда. Сўфи Аллоҳёрнинг машҳур асарига бағишланган “Сўфи Аллоҳёр” ўқишни халқ жуда қадрларди. Айниқса, ўтиришларда “Туҳфат ал-обидин” деган китобни ўқиш ва эшитиш халқнинг жону дили эди. Бу китоб ўқилган кечанинг охири суворийхонликка айланиб кетарди. Чунки ушбу китобдаги кўп мухаммаслар Хоразм суворалариға айтилар эди.

Диний мазмундаги асарлардан “Бобо Равшан қиссаси”, “Шоҳ Машраб қиссаси”, хусусан, “Мифтоҳ ал-жинон” сингари китоблар кўп ўқиларди. Ғафуржон Усмоний хивалик муллаларнинг энг кўп ўқийдиган китоблари ҳақида ёзиб қолдирган: “Чунки онлар, яъни, шул домлалар “Маслак”, “Саълук” ва шундайлардан четга чиқуб ўқий олмағонлар. Онлар шул китоблардан бошқани, яъни ўзлари кўрмаган ва исмини эшитмаган китоблардан ҳеч бирини қабул қилмийлар, балки оёқларини тираб инкор қилалар”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Адабиётлар рўйхати

Асосий:

Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964.

Рейсер С.А Основы текстологии. Ленинград, Просвещение, 1978. Сборник Источноковедение. Теоретические и методологические проблемы. Сб. ст., М., 1969.

Қўшимча:

Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил, –Т., 1982.

Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. –Т., 1992.

Ахунджанов Э. Состояние историографии истории рукописной книги и книжного дела в Ср.

Азии. Адабий мерос, 1984, №4, 1986, №2.

[6] ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8349.

[7] Лаффасий. Тазкираи... – Б. 9.

Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихини ўрганиш манбалари. – Т.,1993. Берков П. Н. Введение в технику литературоведческого исследования. Л., 1955.

Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., 1962. Стр. 458—475.

Бертельс Е.Э. 1-коференция востоковедов: "Крит. Изд. классических памятников" (тезисы) –Т., АН УзССР,1957.

Бухмейер К.К. (сост.) Издание классической литературы. М., 1963.

Винокур Г. Критика поэтического текста. М., 1927.

Вопросы текстологии. Сборник статей. (Вып.1,2,3). М., 1957, 1960, 1964.

Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. –Т., 1966.

Закиров С.З. Издания на восточных языках в Казани в I пол. XIX века. Народы Азии и Африки. 1961, № 6.

Зограф Г.А. Описание рукописей хинди и панджаби. ИВ., М., 1960.

Иномхўжаев Р. Араб ўзбек ѐзуви. Ўқув дастури. Т. 1989.

Исотин В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965.

Исҳоқов Ё. Баѐз ва баѐзчилик тарихи. (—Ўзбек адабиѐти тарихи масалалари‖ китобида). –Т., 1976, 78— 100-б.

Исҳоқов М. Сўғдиѐна тарих чорраҳасида. Т. "Фан" 1990.

Исҳоқов Ф. Гулханийнинг "Зарбулмасал" асари. –Т., 1976.

Кази-Ахмед Трактат о каллиграфах и художниках. М.-Л. 1947. Камол Фахрий Ёзувлар тарихидан. —Фан ва турмуш‖. 1957 , № 4,5.

Каримов Ъ. Ўзбек адабиѐти тарихи. –Т., 1966, 1975, 1987.

Каталог Каталог фонда Института рукописей. В 2-х томах. –Т., 1988, 1989.

Каталог Собрание восточных рукописей АН УзССР, 132

11 т-в. –Т., 1952—1975.

Каталог Арабских рукописей ин-та народов Азии(1-3 вып). М., 1960-65 Крачковская В.А. Памятники арабского письма Средней Азии и Закавкавказье. до IX в. Эпиграфика Востока. 1952, вып. 6.

Крачковский И.Ю. Над арабскими рукописями. М. - Л., 1943.

Лившиц В.А. Согдийский документ В-4 с горы Муг. Проблемы вос-токоведения, 1959, № 6.

Лихачев Д. С. О некоторых неотложных задачах специальных филологич. Дисциплин. Вестник АН СССР 1976, № 4.

Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X - XVII вв.). М.- Л., 1962, 1983.